



Аллоҳ таоло айтади: «Парвардигорингизни ичингизда ёлвориб, қўрқиб, дилдан эртаю кеч ёд қилинг ва ғофил кимсалардан бўлманг!» (Аъроф: 205).

Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, мени кечқурун чаён чақиб олганди, (ундан қаттиқ аламландим)», деган эди, у зот: «Агар кеч кирганда: «Аллоҳнинг мукаммал калималари билан яратганларининг ёмонлигидан паноҳ тилайман» деган бўлганингда у сенга зарар етказмаган бўларди», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қай бир банда ҳар куни эрталаб ва кечқурун: «Унинг исми билан бирга бўлганда на ердаги ва на осмондаги бирон нарса зарар бера олмайдиган Аллоҳ исми билан. У



Эшитувчи, Билувчи Зотдир» деб уч марта айтса, унга ҳеч нарса зарар етказмайди», дедилар (Абу Довуд ва Термизий ривоятлари).

Абдуллоҳ ибн Хубайб розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга айтдилар: «Ҳар куни кечқурун ва эрталаб «Қул ҳуваллоҳу аҳад ва муъаввазатайнни (икки қул аъузуни) уч мартадан ўқигин, сенга ҳамма нарсанинг ёмонлигидан сақлашда кифоя қиласди» (Абу Довуд ва Термизий ривоятлари).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кечқурун бўлганда шундай дердилар: «Кечга етдик ва Аллоҳнинг бутун мулки ҳам тунга кирди.



Барча ҳамду сано Аллоҳниидир. Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ. У ёлғиз, шериксиз Зотдир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Унингдир ва У барча нарсага қодирдир. Парвардигоро, Мен Сендан бу тундаги ва ундан кейиндаги яхшиликни сўрайман. Бу тундаги ва ундан кейиндаги ёмонликдан паноҳ беришингни тилайман. Парвардигоро, мен Сендан ялқовликдан ва ёмон қаришликтан паноҳ беришингни сўрайман. Парвардигоро, менга дўзах ҳамда қабр азобидан паноҳ беришингни сўрайман». Тонг отгач: «Тонгга етдик ва Аллоҳнинг бутун мулки ҳам тонг оттириди», (деб дуонинг охригача) айтардилар (Имом Муслим ривояти).

Ҳаддод ибн Абс розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сайидул истиғфор будир: «Аллоҳим, Сен менинг Раббимсан, Сендан ўзга илоҳ йўқдир, мени Ўзинг яратгансан, мен Сенинг қулингман ва қўлимдан келганича Сенга берган аҳду паймоним устидаман. Қилган ишларимнинг ёмонлигидан Ўзингдан паноҳ тилайман. Менга берган неъматларингни эътироф этаман. Қилган гуноҳларимни ҳам эътироф



этаман. Ўзинг мени мағфират этгин. Албатта, Сендан ўзга гуноҳларни кечирувчи йўқдир». Ким шу истиғфорни ишонч-ихлос билан кундузида айтса ва кечга қолмай вафот этса, у жаннат аҳлидан бўлади. Ким буни ишонч-ихлос билан тунда айтса ва тонгга қолмай вафот этса, у жаннат аҳлидан бўлади» (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Юқоридагилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эрталаб ва кечқурун давомий айтиб юрадиган ва асҳобларини ҳам айтишга йўллаган зикрларнинг баъзисидир. Уларни давомий равишда айтиб юриш мусулмон кишини Аллоҳнинг изни билан ҳар қандай ёмонликдан асрайди. Бу ёмонлик сеҳр бўлсин, исн ва жинларнинг ёмонликларидан бўлсин, хуллас, биз билган ва билмаган ёмонликлардан сақлайди. Мазкур зикрларни арабча матнини ёдлаб айтиб юрган афзал.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Ушбу зикрларда дунёвий ва ухровий манфаатлар борлиги учун уларни давомий ўқиб юришга риоя килиш лозим.